

ИНВЕСТИЦИЯДА СУҒУРТА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Jumaboyev Dilshodbek

Agrobiznes va raqamli iqtisodiyot fakulteti 2.73 guruh talabasi

Аннотация: Муаллиф суғурта ташкилотлари активларини инвестицияга, капитал бозорига молия хизматлар инфраструктурасини кенгайтириш борасида суғурта ташкилотларида инвестицион компаниялар жорий этиш муаммоларни ечимин тадқиқ этган.

Таянч сўзлар: Инвестиция, инвестиция салоҳият, капитал бозори, инвестиция компания, актив, капитал, пул фонд.

КИРИШ

Республикада молия бозорини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли молиявий хизматлар билан қамраб олиш кўламини кенгайтириш, суғурта ташкилотлари фаолиятини кўллаб-қувватлаш, шунингдек, ушбу соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

Республик миллий суғурта бозорида “Ўзбекинвест” Экспорт импорт суғурта компанияси ва унинг ҳаёт суғурта соҳасидаги “Ўзбекинвест Ҳаёт” компанияси капитал бозорига турли молия инструментлари орқали инвестиция жойлаштирмоқда.²⁷

Икки суғурта компания қарийб 27 йил давомида суғурта хизматларини аҳоли ва тадбиркор, ишлаб чиқарувчи-хизмат кўрсатувчи ташкилотларга кўрсатиб келмоқда. 2020 йил натижаларида 1 трлн.сўмдан зиёд активларни инвестиция бозорига жойлаштирган. Ўзбекинвест тизимида 5 та ихтисослашган шўба корхоналар яъни “O‘zbekinvest” SK, “Uzbekinvest International” кўшма корхона, “O‘zbekinvestSarmoyalari” ва “O‘zbekinvestAssitans” корхоналар фаолият кўрсатади.

Тахлил ва натижалар

Республика миллий суғурта бозори томонидан киритилган инвестициялар ҳажмида 8 йил давомида қарийб 3/1 қисмини “Ўзбекинвест” тизими фаол иштирок этган ушбу жараёни 2- диаграммада кузатамиз.²⁸


1-Диаграмма

²⁷ муаллиф “Ўзбекинвест” ЭИСК АЖ, “Ўзбекинвест Ҳаёт” молиявий ҳисоботларидан фойдаланиб тайёрлади.

²⁸ муаллиф Молия Вазирлиги ҳисобот ва маълумотлари ассосида тайёрлади.



2-Диаграмма



Суғурта хизматларини кўрсатиш ҳисобига жалб этилган активларни инвестиция фаолияти йўналтириб давлат ички инвестициясини шакиллантириш, ва молия хизматлари фаол ишлашига ҳиссасини кўшмоқда. Суғурта компаниялар инвестицияга фаолиятига киритаётган активларга бир қанча чекловлар мавжуд. Шу сабадан “Ўзбекивест” тизимида “O'zbekinvest Sarmoyalari” инвестицион шўба корхонасини ташкил этган. Ҳозирда ҳаёт суғурта соҳасида 8 та компаниялар ва умимий суғурта соҳасида 32 та компаниялари фаолият кўрсатмоқда Миллий суғурта бозорига сўнги 5 йилда умимий суғурта трамоғида 10 га яқин суғурта компаниялар кириб келди. Компаниялар капитали бозорда 1.4 трлн сўмдан зиёдни ташкил этмоқда 1-жадвалда²⁹ кузатиш мумкин.

1-Жадвал

Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг таркибий тузулмаси

Суғурта бозорининг тузилмаси	01.01.2020	01.01.2021	Ўзгариш %да
Суғурта ташкилотлар сони	36	40	111%
Шу жумладан: суғурта соҳаси	8	8	100%
Суғурта ташкилотларнинг умумий капитали (млн.сўмда)	755 220	1 439 187	191%
Суғурта брокерлар сони	5	5	100%
Актуарийлар сони	5	5	100%
Суғурта агентлар сони	8 657	8 900	103%
Шу жумладан: юридик шахс агентлар	2 388	2 639	111%
Тўловларни кафолатлаш жамғармаси аъзолари бўлган суғурта ташкилотлар сони	17	19	112%

²⁹ Манба: Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш Агентлиги

Суғурта ташкилотлар инвестицион фаолиятини ривожлантиришда капитал бозорини инфраструктурасини кенгайтириш зарур ҳисобланади. Суғурта компаниялар мижозлардан жалб этилган активлар компаниялар томонидан 51 фоиздан кўп қисмини тижорат банклари депозитлари ва 32 фоизни қимматли қоғозларга инвестиция киритмоқда 3-диаграммада Суғурта компаниялар инвестиция инфраструктурасини кўриш мумкин. Иқтисодиёт тижорат банклари билан боғланиб қолмоқда. Бу ўз навбатида капитал бозоридида пулнинг нархини қиматлашига олиб келади. Хозирда тижорат банклари кредитларни ўртача 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ажратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк инфляцияни таргетлаш дастурида мувофиқ 2021 йил учун қайта молиялаштириш ставкасини 14% ўзгартиришсиз қолдирди. Ўз навбатида суғурта ташкилотлар даромад манбайи банк.

3-Диаграмма

Ўзбекистон суғурта бозоридаги компанияларнинг инвестиция тузулмаси³⁰



3-диаграммад Устав фондларда иштирок этиш 6.2% кўрсаткич умимий суғурта

компаниялар суғурта тармоғи кенгайтиришда шўба корхоналарига киритган

инвестициялардан далоталат беради.

Суғурта ташкилотлари инвестици фаолиятдан юқори ликвид даромад олиш

мақсадида тижорат ташкилотларига инвестиция компания сифатида уставида

иштирок этиб фаолият кўрсатиш механизимини жорий этиш зарурияти мавжуд.

Хулоса

³⁰ Манба: Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш Агентлиги

Тадқиқот натижасида инвестиция фаолияти инфраструктурасини ривожлантиришда суғурта компанияларга инвестицион компаниялар ташкил этишда уларнинг активлар бўлан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 12.05.2008 йилдаги 1806-сонли «Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида»ги Низом талабларига бугунги кун ҳолатидан келиб чиқиб ўзгартириш қиритиш лозим деб ҳисоблаймиз ва таклиф киритамиз. Келгусида молия хизматлари турлари кенгайтириш ҳисобига мустақил инвестиция ташкилотлартадбиркорларнинг инвестицион лойиҳаларига капитал киритиб даромад олиш имкониятини шакилланади. Капитал бозорда қарз бериш нархини қисқартириб инфляцияни камаййтиришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Суғурта фаолияти тўғрисида». Т.: 2002 й., 5 апрель. «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 28 май.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 август, ПҚ-4412-сонли “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 12.05.2008 йилдаги 1806-сонли «Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида»ги Низом.
4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 15.12.2008 йилдаги 1882-сонли “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисида”ги Низомни
5. <https://www.mf.uz>
6. <https://lex.uz/docs/>